ТАРИХИЙ МАДАНИЙ ЁДГОРЛИКЛАРНИ ИДРОК ҚИЛИШНИ ТЕХНОЛОГИК-КОНСТРУКТИВ ЁНДАШУВЛИ КОМПОНЕНТЛАРИ

М. А. Тилакова
Жиззах вилояти ХТХҚТМОҲМ “Педагогика ва психология, таълим технологиялари” кафедра мудири (PhD)

АННОТАЦИЯ

Юқори синф ўқувчиларида креативлик қобилиятини ривожлантириш, биринчи навбатда, шахсга йўналтирилган ёндашувни, эмоционал-психик кайфиятни, фаол, ижодий тасаввурни, ўз-ўзини фаоллаштириш, мустақиллик, ўз-ўзини назорат қилиш, намоён қилиш, ифодалаш, баҳолаш, ўқув жараёнида таълимнинг инновацион технологияларидан фойдаланишни талаб этади.

Калит сўзлар: Креатив ёндашув, мотивацион ёндашув, синфдан ташқари машғулот жараёни тузилмавий мазмуни, тарихий-маданиятшунослик материалини интеллектуал-ижодий идрок қилиш, англаш алгоритмлари, тарихий-маданий ёдгорликларни ўрганиш.

TECHNOLOGICAL-CONSTRUCTIVE COMPONENTS OF PERCEPTION OF HISTORICAL AND CULTURAL MONUMENTS

M. A. Tilakova
PhD, Head of the Department of "Pedagogy and Psychology, Educational Technologies", Teacher Training Center of Jizzakh region

ABSTRACT

In the educational policy of Uzbekistan among development of the basic qualities and abilities trained are allocated creative - creative potential of the person. With especial attention to is intellectual-creative thinking. That is quite lawful, as the new thinking - courageous, original, creative, initiative, constructive, is innovative-innovative today is required.

Keywords: Process and pedagogical system includes the following major structural components original, creative, initiative, constructive, innovative, education, development, basic, quality, level, thinking.

КИРИШ

Ўзбекистон тарихий-маданий ёдгорликларини ўрганиш жараёнида юқори синф ўқувчиларида креативлик қобилиятини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш унга бевосита тааллуқли айрим психологик-педагогик жиҳатларни, жумладан, шахс, юқори синф ўқувчиси шахси уларнинг ёш хусусиятлари (қобилиятлари, қизиқишлари, эҳтиёжлари), интеллектуал-ижодий фаолияти, муаммони ечишга мотивацион ёндашув, синфдан ташқари машғулот жараёни тузилмавий мазмуни, тарихий-маданиятшунослик материалини интеллектуал-ижодий идрок қилиш, англаш алгоритмлари, тарихий-маданий ёдгорликларни ўрганиш, идрок қилиш, таҳлил этиш, юқори синф ўқувчиларида креативлик қобилиятини ривожлан- тириш кўрсаткичлари ва мезонлари (Ўзбекистон тарихий-маданий меросини синфдан ташқари креатив ўрганиш жараёнида), интеллектуал-ижодий топшириқларни бажаришнинг психологик жиҳатлари кабиларни кўриб чиқишни талаб этади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Юқори синф ўқувчиси ижодий маҳсулот яратар экан, қадимий меъморий объектнинг меъморий-тимсолли ифодалилигини ҳис этиши, ишнинг аниқ бир мақсадга қаратилгани, мазмунан режалаштирилганини англаши, материални мантиқий ва изчил идрок этиши, ижодий тасаввури кенг бўлиши, ёдгорликнинг нафақат тарихий-маданий, балки меъморий-бадиий қимматини билиши, эстетикаси, эмоционал таъсирини очиб бериши, ўзининг дадил мулоҳазаси ва фикрини билдирган ҳолда, асосий мазмунни умумлаштира олиши, интеллектуал-ижодий маҳсулотга креатив ёндашиши, ўз-ўзини намоён эта билиши, фойдаланилаётган адабиётлар рўйхатини келтира олиши зарур. Таъкидлаш жоизки, ўқувчида креативлик қобилиятини ривожлантириш учун юқори эмоционал-ижобий кайфият, эҳтиёж бўлиши, бунинг учун таълим жараёнида зарур дидактик шарт-шароитлар таъмин- ланиши зарур. Тарихий-маданий материални идрок қилиш жараёнида юқори синф ўқувчиларига қуйидаги талаблар қўйилади:

– умумий, фаол идрок ва ижодий тасаввур асосида қадимий меъморий ёдгорликларни бадиий-эстетик таҳлил қилиш, асосий ва муҳим жиҳатларини ажратиб кўрсатиш;

– аниқ-предметли-материал баёни мантиқини англаш–унинг жадвали, режаси, тезисларини тузиш, асосий масалалар, айрим далилларига эътибор бериш, тарихий-маданий материалнинг баён қилиниши жараёнида мини-мунозарада иштирок қилиш, мулоҳаза қилиш, ўз фикрига эга бўлиш;

– Ўзбекистон тарихи ва маданиятининг энг буюк ёдгорликлари яратилган давр тўғрисида суҳбатда иштирок этиш;

– эмоционал идрок этиш;

– ёдгорликнинг мазмунан ва шаклан бирлигини англаш, унинг меъморий-бадиий компонентларини ажрата олиш;

– иншоотнинг гўзаллигини ҳис этиш;

– ўзаро уйғунлаштириш, структуралаштириш усулларини эгаллаш,

– умумлаштира билиш, хулоса чиқариш, ўз фикрига эга бўлиш.


Ушбу ўринда VIII-IX синф ўқувчиларининг креатив ривожланишидаги қадимий меъморий ёдгорликларни идрок этиш, таҳлил этиш каби масалаларга алоҳида тўхталиб ўтишни жоиз деб ҳисоблаймиз. Тарихий-маданий ёдгорликларни идрок қилиш ва таҳлил этишда ўқувчилар олдин эмоционал “ҳис этиш”га, кейин аниқ бир мақсадга йўналтирилган бадиий-мантиқий ўрганишга ва шундан сўнггина, тарихий, маданий, бадиий, ахлоқий-ижтимоий ва эстетик қадрият, жаҳон эътирофига сазовор бўлган миллий бойлик сифатида қадимий меъморий иншоотини яхлит идрок этишга йўналтирилади. Ўқувчилар қадимий меъморчилик санъатини ўрганишни ўз эмоционал-индивидуал тасаввуридан келиб чиққан ҳолда бошлашни афзал кўрадилар. Кейин, нафақат таклиф қилинган алгоритм бўйича, балки ўзининг(етарлича ҳаққоний бўлган) бадиий-таҳлилий усуллари бўйича ёдгорликни бадиий таҳлил этадилар, бадиий-меъморчилик воситаларининг тизимига тушуниб етиб, уларнинг маъносини англаб, ўрганишга киришадилар. Бунда уларга интеллектуал-ижодий қобилиятлар, энг аввало, ижодий тафаккур, тасаввур, мантиқий мулоҳазалар ёрдам беради. Тарихий-маданий ёдгорликларни идрок қилиш-таҳлил этишга технологик-конструктив ёндашув қуйидаги компонентлардан иборат:

1) эмоционал-ҳиссий–тарихий иншоотни “ўзиники” сифатида идрок қилиш, ёдгорлик тўғрисида серқирра маълумот ва ахборотларга эга бўлиш орқали уни иккиламчи идрок қилиш,

2) бошқариладиган-алгоритмланган, ёдгорликка нисбатан ўз мулоҳа заси, фикри, муносабатининг вужудга келиши, у тўғридаги ўз фикри ва таассуротларини ифодалаш.

НАТИЖАЛАР

Қуйида VIII-IX синф ўқувчиларининг Ўзбекистон тарихий-маданий ёдгорликларини креатив ўрганишида зарур бўлган интеллектуал-ижодий қобилиятларни ажратиб кўрсатамиз (“интеллект–ижод” шиори остида).



I. Эмоционал-ижобий ижодий кайфият:

– шахсга, ўқув-билувга оид ижтимоий моҳиятни “ҳис этиш”;

– илҳомланиш, ишқибозлик, қизиқиш;

–натижанинг ўқув-билув ва ижтимоий-шахсий моҳиятини“тахмин қилиш”;

– идрок қилиш фаолияти, диққатнинг бир жойга тўпланганлиги;

– хотира;

– билимлар, атамалар, тушунчалардан фойдаланиш қобилияти;

– режалаштириш, жадваллаштириш;

– қадриятли йўналиш;

– ўз-ўзини чоғлаш, ўз-ўзини назорат қилиш;

– янги, ўзига хос инеллектуал-ижодий маҳсулот яратиш;

– яратилган маҳсулотни ижтимоийлаштириш натижасидан қаноатланиш.

II. Интеллект–Тафаккур– Ижод.

Фикрлаш:

– тез, фаол, дадил, ўзига хос, ижодий, индивидуал;

–тушунчавий-назарий, амалий, аслидай қилиб тикловчи–ижодий(бадиий идрок қилиш асосида).

Сўзлар орқали тафаккур қилиш:

– эмоционал,

– маъно-мазмунли,

– ифодали, ёрқин-тимсолли;

– мантиқий изчил, таҳлилий, исботловчи, умумлашган;

– креатив–индивидуал-ижодий, мулоҳазали, хулосали, предметга ўз муносабати билдириш билан;

– нутқий саводли расмийлаштириш, режа асосида жўяли тақдим этиш, интеллектуал-ижодий маҳсулотни креатив тавсифлаш, баён қилиш.

III. Интеллектуал-ижодий тафаккур–архитектура асарининг ўзига хослиги ва бадиий хусусиятларини бадиий-ижодий ифодалашни талаб этади.

Тафаккур хусусиятлари:

– жиддий, чуқур, ҳиссий-эмоционал;

– бадиий-таҳлилий, ижодий- англанган(тасвирий воситалар нуқтаи назаридан бир бутун ва компонентли); бадиий-ижодий, тимсолли-ҳиссий, фикр-мулоҳаза ҳамда бадиий ижодий тасаввурга асосланган; бадиий объект(тимсолнинг) моҳияти ҳақида умумлашма ва якуний хулоса чиқариш имконини берувчи синтез–таҳлил–синтез даражасидаги бадиий алгоритм-ланган тафаккур;

–эмоционал-эстетик(идрок қилинаётган асарнинг эстетик қийматига нисбатан) кабилар.

Меъморий обидаларни ижодий ўрганиш нуқтаи назаридан креатив қобилиятли ўқувчи қуйидагиларни уддалай олиши лозим:

– маҳсулдор тасаввури воситасида тафаккур объектига нисбатан хаёлий дахлдор муносабатда бўлиш;

– бадиий тафаккурнинг натижаларини нафақат англаб олиш, балки уни тизимлаштира билиш;

– ушбу тафаккур маҳсулини саводли нутқда расмийлаштириш ва аудиторияга ўқиб беришга мўлжалланган аниқ мақсадли интеллектуал-ижодий матнга қўша олиш.

Шунга кўра, биз Ўзбекистон тарихий-маданий меросини синфдан ташқари креатив ўрганиш жараёнида VIII-IX синф ўқувчиларининг креатив қобилиятларини ривожланганлиги мезонларини қуйидагича белгиладик:

I. Ўз креатив қобилиятларини ривожлантиришга қизиқиш ва мотив; ўз креатив потенциалини ривожлантириш истаги.

II. “Креатив” тушунчаси, унда интеллектуал-ижодий қобилиятнинг муҳимлиги, роли ва аҳамиятини билиш – тушуниш – англаб олиш.

III. Ўзбекистон ҳудудидаги тарихий-маданий, бадиий-меъморий ёдгорликларни фаол креатив идрок қилиш ва ўрганиш.

IV. Умрбоқий миллий тарихий-маданий мерос ва жаҳон бойлиги ҳисобланган Ўзбекистон қадимий меъморий ёдгорликлари тўғрисидаги топшириқлар, ишлар, назарий-амалий топшириқлар, эгалланган билим ва таассуротларнинг ҳар хил турларини креатив–интеллектуал-ижодий акс эттириш.

V. Мактабда Ўзбекистон тарихий-маданий ёдгорликларига бағиш-ланган интеллектуал-ижодий ишларни публистик чиқишларнинг турли даражаларида тайёрлаш ва амалга ошириш.

VI. Ўзида креатив қобилиятни ривожлантиришга тайёрлик.

Креатив қобилиятларнинг мезоний асослари, юқорида белгиланган назарий дефинициялари VIII-IX синф ўқувчиларида креатив қобилиятларини ривожлантиришнинг психологик жиҳатлари ва педагогик асосларини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилади.

МУҲОКАМА

Ўқувчиларда зарур руҳий-психологик хусусиятлар, жумладан, юксак интеллектуал етуклик, маданият, ишчанлик, ижодий идрок қилиш фаоллиги, муҳокама қилишда очиқлик, индивидуал хусусиятлар, эмоционал-иродавий тайёрлик, рефлексия, касбий йўналганлик, ижтимоий, ахлоқий, когнитив, эмоционал ва феъл-атвор негизлари, шунингдек, ўз шахсий сифатлари, қизиқишлари, эҳтиёжларига эгалиги, маънавий-ахлоқий шаклланганлиги ҳисобга олинади [132,244-246]. Хусусан, ўқувчида креатив қобилиятни ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришда унинг коммуникатив-ликка–мулоқотга эҳтиёжи, ўз ўрнини билиши; жамиятдаги мавқеини белгилаши, мустақил фикрлаши, ижтимоий фаоллиги ва етуклиги; ўз-ўзини назорат қилиши, таҳлил этиши ва баҳолаши (эмоционал-шахсий ва ижтимоий-моҳиятли) фаоллаштирилади. Машғулотлар якунида эришилган натижалар умумлаштирилади (VIII-IX синф ўқувчиларида креатив–интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантириш мезонлари бўйича), умумий ва индивидуал-креатив натижалар тавсифланади, баҳоланади, якун ясалади. Ундан ташқари, креатив ўз-ўзини такомиллаштириш бўйича “мини-эсдаликлар” ва “мини-тавсиялар” тарқатилади, ўқувчиларга келгуси креатив ривожланишнинг истиқболи эслатилади ва очиб берилади. Жумладан, “Креатив ҳар доим ва ҳамма нарсада”, “Креатив шахс қизиқарли, ўзига хос, ҳурматли, обрўли ва ижтимоий аҳамиятли шахсдир”, “Ҳаётда, ишда, жамиятда шахс креативлиги– муваффақият гарови”, “Ҳар қандай фаолиятда креатив қобилиятларнинг фаоллаштирилиши–

тўлақонли ҳаёт белгиси”, “Ҳар доим креативлик- интеллект + ижод сиз билан бўлсин” каби шиорлар олға сурилади.

ХУЛОСА

Таъкидлаш жоизки, бу ёшда шахслараро мулоқот ҳамда ўзаро дўстона муносабатлар жуда зарур. Улар ўқитувчининг маслаҳатига эътибор ва ишонч билан қарайдилар. Ўқитувчи ўқувчиларнинг бундай руҳий-психологик хусусиятидан оқилона фойдалана билиши лозим. Шу ўринда юқори синф ўқувчисининг интеллекти, ақлий фаолиятига алоҳида тўхталиш лозим. Кузатишимизга кўра, ўқувчи тушунчалар аппаратининг зарур заҳирасига эга бўлиб, ақлий фаолияти анча мустаҳкам ва самарали, ўз креативлик қобилиятини ўстириши зарурлигини яхши тушунади ва бунга эътибор билан қарайди. Шунга кўра, ўқувчининг интеллектуал-ижодий йўналганлигига қуйидаги талаблар қўйилади:

– ижодий кўтаринкилик, мақсад ва вазифаларнинг аниқ бўлиши;
– ғоявий мазмундор асосга эга бўлиш;
– туйғу ва фикр бирлиги;
– ижодий маҳсулоти турини баён этиш, шаклини аниқлаш;
– материални танлаш, унинг илмийлиги ва ҳақиқийлиги, ижодий англаб олиниши ва ундан оқилона фойдаланилиши;
– ижодий тасаввур ва тафаккур дадиллиги, ўзига хослиги, ижодийлиги;
– ўқувчининг ўз муносабати ва қарорини мантиқий тизимли, саводли, ифодали-образли баён этиши;
– ижодий ўз-ўзини ифодалаши;
– ўз-ўзини назорат қилиши, текшириши, баҳолаши;
– интеллектуал-ижодий маҳсулот яратиши;
– ўқувчининг ижтимоийлашувга шайлиги кабилар.

Зеро, креативлик қобилиятининг ихтисослашуви ўқувчининг қизиқишлари ва иш фаолиятини белгилайди.

REFERENCES

1. Аннамуратова С.К. Возможности внеклассной работы в художественно-эстетич еском и когнитивно-творческом воспитании старшеклассников. – 82-89 б
2. Бутенко В.Г.Школьникам о художественных ценностях памятников истории и культуры.– М., 1999.–113

3. Лолуа В., Джикия Л.Л. Школьникам о памятниках культуры своей страны. – М., 1999. – 99 б.
4. Немов Р.С. Психология. Учебник для студентов высш. учеб. Заведе- ний. В 2-х кн. Кн.1 – «Общие основы психологии». – М.: Владос, 1994. – 217 б., Кн.2 – Становление личности в ранней юности». – М.: Владос
5. Akhmedov, B. A., & Khasanova, S. K. (2020). Public education system methods of distance in education in development of employees. *Journal of Innovations in Engineering Research and Technology*, *1*(1), 252-256.
6. Ахмедов, Б. А. (2020). Математические модели оценки характиристик качества и надежности программного обеспечения. *Eurasian Education Science and Innovation Journal*, *3*(10), 97-100.
7. Гулбоев, Н. А., Дуйсенов, Н. Э., Ахмедов, Б. А., & Рахманова, Г. С. (2020). Модели систем управления электрическими сетями. *Молодой ученый*, *22*(312), 105-107.
8. Мухамедов, Ғ. И., Ахмедов, Б. А. (2020). Инновацион “Klaster mobile” иловаси. Academic Research in Educational Sciences, 1 (3), 140-145.
9. Ахмедов, Б. А. О развитии навыков интерактивных онлайн-курсов в дистанционных условиях современного общества (модель-программа для преподавателей образовательных учреждений). Журнал «Universum: технические науки»